



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
бўй-  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz •

2004 йил 25 июнь № 133 (3408)

Жума



## Парламент назорати

Кеча Бозор кўникмаларини ривожлантириш марказида Олий Мажлисининг Иқтисодиёт-ни ислох қилиш масалалари ва тадбиркорлик кўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Уни кўмита раиси М. Умаралиев олиб борди.

## Суғурта — ишончли ҳимоями?

Унда «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг «Суғурта-Бизнес» компанияси томонидан ва Тошкент вилоятида ижро этилиши масаласи муҳокама қилинди.

Таъкидлаш керак, айни пайтда мамлакатимизда 19 та суғурта компанияси фаолият кўрсатмоқда. Улар жисмоний ва юридик шахслар билан шартномалар тузиб, суғурта бадаллари йиғиш ва шартнома бўйича мажбуриятларини ўз вақтида тўлаб келмоқда. Аммо ўрғаниш жараёнида «Суғурта-Бизнес» компанияси ва Тошкент вилоятида маълум камчиликлар борлиги аниқланди. Хусусан, вилоят ҳокимлиги Қонун ижросини таъминлаш, суғуртанинг афзаллик томонлари бўйича аҳоли орасида тушунтирув ишлари олиб борилишига доир қарор қабул қилмаган. Хатто бу борада мутасадди ташкилотлар фаолиятини ўрганмаган. Шунингдек, давлат суғурта назорати инспекцияси билан суғурта компаниялари ўртасидаги иш етарлича ташкил этилмаган.

Оқибатда аҳолида суғурта маданияти, суғурта ҳимояси тўғрисида тўлиқ тасаввур йўқ. Мисол учун, вилоятда ҳаёт суғуртаси бўйича йиғилган бадаллар умумий суғуртанинг бор-йўғи 5 фоизини ташкил этади. Ваҳоланки, ривожланган мамлакатлар суғурта бозорларида ҳаёт суғуртаси бадаллари асосий ўрин эгаллайди. Депутатлар ишчи гуруҳи Қонун ижросини таҳлил қилар экан, суғурта компаниялари ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан суғуртанинг аҳолияти бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш лозимлигини таъкидлашди. Шу билан бирга суғурта бозорининг очик ва ишончлигини таъминлаш учун суғурта компанияларига қўйилган талабларни ошириш зарурлиги ҳам айтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Худойберди ЭШМАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) томонидан молиялаштирилган FINCA International микрокредитлаш дастури мамлакатимиз тадбиркорларига 470,6 миң АҚШ доллари миқдорига кредит ажратди.

## Тадбиркор аёлларга кредитлар

Мазкур дастур асосан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашни кўзда тутди. FINCA иқтисодий фаол тузилмаларга айланма сармога тақлиф этиши туфайли тадбиркорлар ўз бизнесларини муваффақиятли йўлга қўйишлари ва янада кенгайтиришлари мумкин. Шунингдек, унга кўра янги иш ўринлари ташкил этиш мумкин.

Ўз мухбиримиз.

Нафақат Муборак шаҳрида, балки Қашқадарьнинг қай бир туманида бўлманг, мебель ҳақида сўз кетса, Торосов мебеллари алоҳида меҳр билан тилга олинади. Энг эътиборлиси, мана-ман деган оилалар ҳам уларини ана шу мебеллар билан тўлдиряпти.

## Замонавий мебеллар

Асли боқулик бўлган Сергей Торосов кичик корхона очиб, мебель ишлаб чиқараётганига ҳам бир неча йил бўлди. Юзга яқин ишчи меҳнат қилаётган корхонада мебель тўпламларидан ташқари, алюминий

езиқ ва дераза ромлари ҳам ясалмоқда. Айни пайтда тадбиркор жунни қайта ишлаш корхонаси очиш тараддудида, — дея хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири М. Одилова.

## Пойтуғ калавалари

Избосканда Муталиб Хайдаров исмли тадбиркор яшайди. Ташаббускор, гайратли. Яқинда шу йигит собиқ савдо базаси бўлган жойда калава ип ишлаб чиқарадиган цех очди. Обдон таъмирланган бинога зарур бўлган ускуналар Германия ва Россиядан келтирилди. Корхонада 250 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

— Келажақда маҳсулотларимизни хорижга сотиш ва бу билан корхонамиз иқтисодий салоҳиятини янада ошириш ниятидамиз, — дейди тадбиркор. — Иқтисоди бакуватат корхонада эса ишчилар учун барча шароитни яратиш мумкин бўлади.


Ўз мухбиримиз.

## «Халқ сўзи» назоратида

## Ободонлаштириш ишлари бошланди

Балиқчи тумани, Гулистон маҳалласида истикомат қилувчи Э.Мирзабеков шикоят хати асосида газетамизнинг шу йил 4 март сонидеги «Қабристонни обод қилайлик» сарлавҳали

мақола эълон қилинган эди. Бу чиқишда мазкур худуддаги «Сўфи ота» қабристонининг ноҳар аҳоли танқид остига олинган. Балиқчи тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳ.ҚОДИРОВ



## Меҳрдан тафт олган боғлар

Юртимизда гарқ пишқиқлик мавсуми — саратон бошланди. Боғларда мева-чевалар кун сайин болга тўлмоқда.

Полиэтилендан ҳандалаклару қовчулар иси таралмоқда. Бозорлар расталарида деҳқончилик маҳсулотлари тобора кўпайиб, уларни арзон нархларда саралаб олиш имкони туғилмоқда. Эл дастурдорини ёз ноз-неъматлари билан тўқин-сочин қилишда, шубҳасиз, боғдон-фермерларнинг ҳам хиссалари катта. Гап шу ҳақда кетганда, — уларга мададкор бўлган, таъбир жоиз бўлса, бир пилёла яна чой узатган аёлларни эслаш ҳам бир совадатдир. Навбахор туманидаги боғдорчиликка ихтисослашган «Самаршоҳ» фермер ҳўжалиги ҳақида ҳам илқ сўзлар айтиш мумкин. Негаки, жамоа ахли бу йил 60 тонна мева етиштиришга аҳд қилганди. Меҳнат ҳам, самараси ҳам шунга яраша бўлди. Урикзору олчазорларда, олмасору шафтолизорларда чунонам ҳосил етилди. Сохибкорлар эндиликда уларни пешма-пеш териб олиб, истеъмолчиларга етказиб бермоқдалар.

СУРАТДА: «Самаршоҳ» фермер ҳўжалиги аъзоси Гўзалхон Қамбарова. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## Пойтахтимизда

## Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари

Кеча Фуқаролик жамиятини ўрғаниш институтида Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашиларига сайловларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши муаммоларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад кенг жамоатчиликни мамлакат сайлов қонунчилиги билан изчил таништириб беришда, сайловолди жараёнларини тезкор ва холис ёритишда оммавий ахборот воситалари олдида турган асосий йўналишларни белгилаб олиш, шунингдек, турли қатламдаги гуруҳларнинг сиёсий фаолигини ошириш бўйича тўпланган тажрибаларни оммалаштириш ва тарғиб қилишдан иборат эди. Шу муносабат билан институт директори вазифасини бажарувчи, юридик фанлар доктори А. Раҳмонов, институт лойиҳа раҳбари, филология фанлари доктори Ф.Мўминов, ҳуқуқшунос олим Х.Рўзметов, эксперт К.Одилов, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Х.Дўстмухаммедов сўзга чиқдилар. Ўтказилажак сайловларнинг ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатлари, уларни омма онига сингдиришда журналистлар зим-

масига тушадиган масъулият хусусида фикр юритдилар.

Баҳо-мунозаралар чоғи журналистларнинг сайловчилар олдидаги ижтимоий масъулиятини янада ошириш, оммавий ахборот воситаларини ҳар қачонгидан либераллаштириш даркорлиги уқтирилди. Сайловолди ташвиқотларида, айнқисса, партиялар нашрлари ва маҳаллий газеталар, электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини жонландириш зарурлиги таъкидланди.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, ушбу давра суҳбати Фуқаролик жамиятини ўрғаниш ин-

## Австрияга — тажриба алмашиш учун

Республикаимиз касб-хунар коллежлари ўқитувчиларидан ташкил топган хайъат Австриядаги альтернатив қувват манбаларидан фойдаланиш соҳаси учун мутахассислар тайёрловчи қатор институт ва касб-хунар мактабларида бир ҳафталик танишув сафарига бўлиб қайтди.

Австриянинг Гюссинг шаҳрида жойлашган Европа қайта тикланувчан энергия марказида меҳмонлар учун махсус интенсив ўқув машғулотлари, тематик анжуманлар, ўзаро тажриба алмашув тадбирлари ташкил этилди, ҳамкорликни ривожлантириш бўйича режалар белгиланди.

Мулоқотлар натижасида Австрия ҳўкумати имтиёзли кредитларини жалб этиш орқали мамлакатимиз қатор касб-хунар-техник коллежларини электротехника ва куёш энергияси соҳасида махсус ўқув-услубий ва тажриба ўтказиш ускуналари билан таъминлаш бўйича қўшма дастурларни ишлаб чиқиш ва лойиҳаларни амалга оширишга оид келишувга эришилди.

Илк лойиҳаларни ҳаёtgа татбиқ этиш Ўзбекистонда тез орада куёш энергияси ёрдамида электр қуввати ҳосил қилиш ва иссиқлик билан таъминлаш тизимларини йиғиш, созлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича мутахассислар тайёрлашни бошлашга имкон яратади.

«Жаҳон» АА.

титуту томонидан сайлов қонунчилигига бағишлаб республика миқёсида ўтказилган ўн биринчи тадбирдир. Аввалги анжуманларда партия қурилиши, сайлов технологиялари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари, сайлов ташвиқоти ва реклама, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги фаолияти, аёллар ва ёшларнинг сайловлардаги иштироки тўғрисида фикрлар алмашилганди. Ушбу тадбир иштирокчилари яна бир янгиликнинг гувоҳи бўлишди. Институт қошида «Парламент журналистика клуби» очилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари томонидан Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашиларига сайловларга тайёрлигини ва ўтказишни ёритиш бўйича энг яхши мақолалар учун танлов эълон қилинди.

Абдуноби ҲАЙДАРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Санкт-Петербургда бир қадам

— Энди бизга Санкт-Петербургда ҳам бир қадам, — деди Самарқанд аэропортида чиптасини расмийлаштираётган йўловчи.

Хуллас, шу кунги Самарқанд халқаро аэропортига Санкт-Петербурдан Ту-154 самолёти келиб қўнди. Санкт-Петербургдаги машҳур Пулково аэропорти вакиллари ва йўловчиларни самарқандликлар нон-туз, иззат-икром билан кутиб олдилар. Кўп ўтмай самолёт йўловчилар билан Санкт-Петербургда парвоз қилди.

Энди ҳафтанинг ҳар пайшанбасида икки шаҳар ўртасида авиалайнер қатнай бошлайди.

А. САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Фармон ва ижро

Ўзбекистон таълим тизимининг муҳим дастлабки босқичи — умумтаълим мактаблари ҳаётида тубдан янгилашни даври бошланмоқда. Мактабларимиздаги бундай ўзгаришлар асоси Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ва бевосита гоьлари асосида ишлаб чиқилган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида ҳар тарафлама белгилаб берилган. Шу йилнинг 21 май кунги Юртбошимиз томонидан ана шу дастур тўғрисидаги махсус Фармон имзоланди ва мактаб таълими ислохоти юксак мақсад-режа, гоьлардан умумдавлат миқёсидаги амалий бунёдкорлик ҳаракатига айланди.

## Мактаб таълими жамғармаси

Маълумки, мамлакатимиз раҳбарининг Фармонида бу майдондаги дастлабки ташкилий ишлардан бири сифатида мактаб таълими жамғармасини вужудга келтириш вазифаси қўйилган эди. Шунга биноан, жорий йилнинг 7 июнь кунги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 263-сонли қарори эълон қилинди. Ушбу ҳужжат билан кетма-кет республикаимизда Бош вазир Ш. Мирзиёев раҳбарлигида тарқиб 13 кишидан иборат бўлган Мактаб таълими жамғармасининг Бошқарув кенгаши ва тарқибда 10 нафар ходими бўлган Жамғарма ижро этувчи дирекцияси ташкил топди.

Худди шу ҳўкумат қарорида белгиланганидай, Молия вазириликнинг Ижтимоий соҳани молиялаштириш бош бошқармаси тузилмасида ходимлар сони 4 нафар бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши мониторинги ва назорати бўлими ҳам вужудга келди. Айни пайтда, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирилик ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия бошқармалари тузилмасида махсус Мактаб таълими шўъбалари очилди.

Мактаб таълими жамғармаси ва унинг Ижро этувчи дирекцияси мактаблар ислохотида муҳим илк қадамларидан бири сифатида вужудга келганлигининг аҳамияти нимада? Маълумки, ҳар қандай катта-кичик иморат ёки иншоот пойдевордан бошланади. Бинобарин, инсоннинг ёки жамиятнинг ҳар бир оруз-мақсади амалга ошиши учун ҳам асос, яъни маблаг керак. Ҳўмуладан, мактаблар ислохотининг Умуммиллий дастурида белгиланган кенг қамровли ишларини рўёбга чиқариш учун миллиард-миллиард сўмлаб маблаг талаб қилинади. Албатта, бу иш учун давлатимиз бюджетидан беҳад катта маблаг ажратилиши кўзда тутилган. Шу билан бирга, мактаб ислохоти шу қадам улкан ишки, бу мақсад учун қўшимча молиявий имкониятларни ҳам излаб топиш ва жалб этишга тўғри келади.

Дунёга келган Мактаб таълими жамғармаси ва унинг Ижро этувчи дирекцияси шундай вазифани бажариш учун тузилди. Жамғарма мактаблар ислохоти учун ажратилаётган давлат бюджети маблагларидан ташқари юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик маблаглари, халқаро молиявий ташкилотлар ва институтларнинг грантлари ва кредитларини ҳам ана шу катта мақсадларга жалб этади. Ҳатто, қаловини топсанг қор ҳам ёнади деганлариниш, жамғарманинг вақтинча бўш маблагларидан олинмаган даромадлар ҳам жамғарма маблагларини шакллантиришнинг асосий манбалари қаторидан ўрин олади.

Жамғарма эзгу мақсадларга хизмат қилади. Ахир, бугун ҳаммамизга маълумки, Мактаб таълимининг ривожланиши Давлат умуммиллий дастурида гоьтадан улкан ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари назарда тутилган. Аввало, Ўзбекистон мактаблари яқин келажақда бамисоли академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари сингари энг юқори халқаро андозаларда тубдан янгилашга жамол кўрсатади. Бунинг учун кўпгина маънавий ва жисмоний эскириб қолган мактаблар бузиб ташланиб, уларнинг ўрнига ҳашаматли янги таълим қошоналари бунёд этилади. Еки кўпглаб мактаблар тубдан, мукаммал реконструкциядан чиқарилади. Замонавий талабларда қурилган, аммо тўлиқ ва жорий таъмирлашни талаб қиладиган мактаблар ҳам бор. Бунинг устига, мактабларимиз бундан кейин энг замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналарига, компьютер хоналарига, жилоси кўзни оладиган мактаб парталари, доскалари ва мебеллар, спорт анжомлари, замонавий спорт мажмуалари ва стадионларга эга бўлиши лозим. Шунингдек, мактабда фидоийлик билан ишлаётган ўқитувчиларимизнинг меҳнатини рағбатлантириш, оийк маошларини ошириш масалалари ҳам муҳим... Булар эса миллиард-миллиард сўмлаб маблаг дегани! Бу маблагларни захматқаш ва тадбиркор янги ташкилот — Мактаб таълими жамғармаси топиши ва юқоридаги олжаноб ислохот ишларига сарфлаши керак.

Бу, албатта, амалга ошади. Негаки, жамғарманинг зарбардаст Бошқарув кенгаши ва ҳисоб-китобда қилни қирқ ёрадиган жамғарма Ижро этувчи дирекцияси дунёга келди. Жамғарма маблаглари манбаларининг асосий, ишончли манбалари ҳам аниқланган. Бунинг устига, Ўзбекистон мактабларида бошланган кенг қамровли ислохотларни диққат-эътибор билан кузатиб турган ва ҳозирнинг ўзидаёқ бу борада молиявий ҳамкорлик қилиш таклифини ихор этаётган халқаро молиявий ташкилотлар ҳам бор. Насиб этса, ўз олдига беҳад эзгу мақсадларни қўйган жамғарма-миз фаолияти тез орада равнақ топа бошлайди. Бундан эса ҳаммамиз — давлат ҳам, бугун халқ ҳам, энг муҳими, баркамол авлодларни тарбиялаб етиштиришдек улғу мақсадларимиз ҳам чўқур манфаатдордир.

М. САФАРОВ.

**АЛЛО, СИЗНИ ДАВЛАТ ТЕСТ**  
**МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИ ЭШИТАДИ**  
**Хурматли газетхонлар!**

Шу йил 1 августда юз минглаб абитуриентлар тест синовларидан ўтишда, унда олий ўқув юрталарига энг муносибдан муносибларни танлаб олинади. Ҳўш, бу йил қабул бўйича қандай янгиликлар жорий этилмоқда, тест топириқларида ўзгаришлар борми, касб танлашда йўналиш ва ихтисослашув рўйхатлари кенгайтирилиши ёки сақланиб қолди? Билимларнинг жиддий синовига қандай тайёргарлик кўрган маъқул? Шу ва шу каби саволларга жавоб олмақчи бўсангиз,

**28 июнь соат 10.00 дан 12.00 гача**

**Давлат тест маркази директори**  
**Баҳромжон Маҳмудович ИСМОИЛОВ**  
**137-53-89, 135-19-50**

телефонлари орқали сизни эшитилади.  
**Саволларингизни аввалдан**  
133-10-17, 133-38-01 телефонлари орқали беришингиз ёки 136-37-85, 133-48-04 факси ҳамда электрон почта орқали узатишингиз мумкин. Интернетдаги манзилимиз:  
**E-mail: xalksuzi@uzpak.uz**

Экология ва саломатлик

Маълумки, Орол денгизи устидан кучли ҳаво циклонлари (шамоллари) ўтиши оқибатида денгиздаги тузлар, кимёвий моддалар узоқ-узоқларга тарқалади...

Экламсия — қон босими ўта юқори бўлган пайтда миёна ичига қон томирлари тортишиши, кўриш, ҳид билиш қобилияти йўқолиши...

айниқса, аёлларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, оилаларда киз болани оналикка руҳан ва жисман тайёрлаш сингари муҳим вазифалар амалга оширилиши...

вали дарахт экилишига йўл қўйилмаган, чунки битта мева сувга тушиб чириша у «юз минг» микробни тарқатади, деб ҳисоблашган. Буларнинг ҳаммаси соғлиққа қафол берувчи тозалани йўлдаги сазай-ҳаракатлардир...

Орол бўйида яшаётган аёл

Уни нималар безовта қилади?

асоратлар билан кечишига олиб келмоқда. Орозилу она сўхбат чоғида ўзи гувоҳ бўлган бир воқеани гапириб берди. Навбатдаги фарзандига ҳомилдор бўлган Хожобека Мадатова исми аёлни туғуруқхонага олиб келишга...

ортик туғиш ёшидаги аёл бор. Улар ўртасида экстрагенитал хасталикларга чалинган қарийб 95 фоизни ташкил қилади. 54 минг аёл туғуруқхона хисобига олинган. Аёлларнинг ҳомилдорлик даври оғир кечishi фарзандларнинг носоглом туғилишига сабаб бўлмоқда...

мутахассис шифокорларнинг сўхбатлари уюштириб турилса, жуда яхши бўлади. Бобо-бувилар, ота-оналар «Поклик — иймондан дид» деган ҳикмати фарзандлар онига сингдиришган. Ҳатто, «Авестода ҳам аёлларнинг доимо ювиниб-тараниб юриши, ҳаводаги қўланса хидлар ўтириб қолмаслиги учун бошига рўмол ўраб олиши, қулқ, бурун, тишларини тозалаш, тирноқ ва соч тоқларини ит, мушук, чуққлар қавлаб чиқара олмайди...

«Касални даволашдан қўра, унинг олдини олиш осон», деган ҳикмати тушуниб яшаса, ўз уйда орасталлиқни сақлаб, улар аралашмаларни ишлаб чиқараётган корхоналар бу ҳақда ўйлаб қўрсалар, ёмон бўлмасди. Муҳими, ҳар бир она «Касални даволашдан қўра, унинг олдини олиш осон», деган ҳикмати тушуниб яшаса, ўз уйда орасталлиқни сақлаб, улар аралашмаларни ишлаб чиқараётган корхоналар бу ҳақда ўйлаб қўрсалар, ёмон бўлмасди...

Тулчехра ЖАМИЛОВА. Қисқа муддатли, яъни оператив лизинг эса, айниқса, ўз афзалликлари билан ажралиб туради. Яъни лизинг шартномаси қисқа муддатга тузилши ва у туғача мулкни (ускуналарни) ижарага берувчига қайтариш имконияти чегараланганлиги туғайли молиявий қарорлар бўйича ҳисоб-китоблар аниқ бўлиб, истиқбол режаларга мос тушади...

Фарғонадаги «Евроосиб Тапо-Диск» ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси уч йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Жамоада дастлаб 80 нафар ишчи меҳнат қилган бўлса, эндиликда иш тўрт сменада ташкил этилиб, уларнинг сони 496 тага етди. Ҳозирда корхона томонидан қирқ икки турда сифатли автомобиль дисклари ишлаб чиқарилмоқда...



СУРАТДА: оператор Акрам Маллаев иш устида. Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

ИЗОҲГА МУҲТОЖ ИЗОҲНОМА

Газетамизнинг шу йил 17 март сонидида «Мулк хусусийлаштириш, кейин-чи?» сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Шундан кейин Давлат мулкни кўмитасининг мабурут хизмати номидан изоҳнома келди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «...Мақола муаллифи ширкат ҳўжаликлари мол-мулкларини, жумладан, чорвачилик фермалари, шийпонлар, идора биналарини фуқароларга тўғридан-тўғри хусусийлаштириб бериш ҳолатларини келтирган. Мулк ҳўқуқий эгасини топиши кераклиги, мулк сотиб олган шахс уни ўзи хоҳлагандек тасарруф қилиши мумкинлиги, бу масалани ҳўқуқий жиҳатдан ҳал этиш зарурлиги муаммолари ҳам мақолада тўғри кўтарилган...

ТАҲРИРИЯТДАН: Ушбу изоҳномага қўшимча равишда Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси раиси имзоси билан хат ҳам келган. Унда жумладан: «...Мақола Давлат мулкни кўмитасида таажуб қўйотди. Боиси муаллиф Бекулов Эгамжол ўз мақолада ширкат ҳўжаликлари мол-мулкларини, жумладан, чорвачилик фермалари, шийпонлар, идора биналарини фуқароларга тўғридан-тўғри хусусийлаштириб бериш ҳолатларини келтирган. Ширкатлар ва фермер ҳўжаликлари мулкларини давлат тасарруфидидаги (оммавий) мулк хисобланмаслиги боис, уларни хусусийлаштириш Давлат мулкни кўмитаси ваколатига кирмайди. Бундай мулкларни сотиш (хусусийлаштириш) бўйича қарор қабул қилиш ҳўжалик аъзолари умумий йиғилиши ваколатидир. Жамоатчилиққа холис ахборот бериш мақсадида қуйида ДМҚнинг изоҳномасини Ўзбекистон Республикаси «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» қонунига мувофиқ «Халқ сўзи» саҳифасида

жуда кўп боғлар нобуд бўлди. Жорий йилдан бошлаб вилоятда бундай қонунбузилишларга чек қўйилди. Боғни сотиш бекор қилинди. ...ҳар бир корхона ва объект олди-сотдиси бўйича тузилган шартномаларда корхонанинг фаолият турини ўзгартирмаслик, уни бозор талон-тороҳ қилмаслик бўйича хари-дорларга мажбурият юклатилаётгани ҳам таъкидланган. Энди мақолада бу ҳақда нима дейилган билан танишиш: «Дейлик, бирор бино ёки корхонани тадбиркор хусусийлаштириб олмақчи. Бундай пайтда биз, аввало, тадбиркорнинг молиявий аҳволини ўрганамиз, унинг бизнес режаси билан танишиб чиқамиз. Шундан сўнг шартнома тузамиз. Шартномада бино ёки корхонани бузиб сотиш тақиқланади. Тадбиркор бино ёки корхонадан мақсадли фойдаланмаса, шартнома бир томонлама бекор қиламиз. Савол туғилади: Давлат мулкни кўмитаси нимага эътироз билдирапти ўзи? Назаримизда, хат у изоҳномадан ёзган мутасаддилар мақолани синчиклаб ўқишмаган чоғи. Бўлмаса, изоҳталлаб изоҳнома ёзиб юрмаган, газетанида чоп этишимизни сўрамаган бўлишарди.

Бозор инфратузилмаси

Мамлакатимиз иқтисодийдини юксалтириш борасида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, мулкка эгаллик қилиш ва ҳўжалик юретишининг турли-туман шакллари вужудга келиши билан ҳўжалик субъектларини молиялаштиришнинг янги тизими ҳамда манбалари пайдо бўлди. Улардан бири лизингдир.

ЛИЗИНГ молиялаштиришнинг янги шакли

Лизинг инглизча «Leasing» сўзидан олинган бўлиб, у лизинг компаниялари воситачилигида машина-дастгоҳлар, ҳар хил ишоотлар, транспорт, алоқа воситалари, омборхоналар ва бошқа қимматбахо меҳнат қуролларини ижарага бериш ёки ўллаб олиш бўйича молиялаштиришнинг махсус шакли ҳисобланади. Аниқроғи, лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тараф (лизинг олувчиси)нинг топшириғига биноан, унчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ тўлаш эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартлар бўйича мол-мулкни олади. Ҳажон амалиётда молиявий ва оператив лизинг турлари мавжуд. Молиявий лизинг муайян муддатга ижарага берувчининг капитал харажатларини тўлиқ қоплашга ётарли туловлардан иборат бўлиб, у мулк эгасига маълум миқдорда фойда ҳам беради. Мазкур лизингнинг талабларига қўра, шартнома муддати туғача, объект лизинг олувчининг мулкига ўтди, объектни қатъий боғлиланган нарҳда ёки лизинг шартномаси муддати туғачада аниқланадиган нарҳда сотиб олиш ҳўқуқига эгадир. Қисқа муддатли, яъни оператив лизинг эса, айниқса, ўз афзалликлари билан ажралиб туради. Яъни лизинг шартномаси қисқа муддатга тузилши ва у туғача мулкни (ускуналарни) ижарага берувчига қайтариш имконияти чегараланганлиги туғайли молиявий қарорлар бўйича ҳисоб-китоблар аниқ бўлиб, истиқбол режаларга мос тушади. Бугунги кунда маълуматида 8 та иқтисослашган компания лизинг операцияларини ўтказмоқда. «Банк лизинг», «Ўзқилоқ ҳўжалик-маш-лизинг», «Ўзбекизинг Интернейшл» АЖ, «Ўзавиализинг», «Барака» универсал лизинг ва бошқалар шулар сирасига киради. Бу лизинг компаниялари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид аҳволни чуқурроқ ўрганиш, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар билан янада яқин муносабатларни ўрнатиш мақсадида мамлакатимизнинг барча вилоятларида ўз ваколатхоналарини очган. Улар тадбиркорларга замонавий технология ва ускуналарни таллашда ёрдам берапти, ўз мижозларига турли хил лизинг объектларини тасвифа этишмоқда. Бундай объектлар қаторига тўқимачилик махсулотларини ишлаб чиқарувчи дастгоҳлар, қишлоқ ҳўжалик махсулотларини, шунингдек, гўшт, сут ҳамда терини қайта ишлашга иқтисослашган миниэвродлар, спиртсиз ичимликларни тайёрлаш ва қадқоқлаш бўйича линиялар, юк машиналари, энгил автотомобиллар ва бошқа воситаларни киритиш мумкин. Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида 1999 йил 14 апрелда «Лизинг тўғрисида» қонун қабул қилинган бўлиб, унда лизингдан фойдаланиш борасидаги иқтисодий ҳўқуқий асослар ишлаб чиқилган, уни амалга оширишда юзага келадиган муносабатлар, лизинг турлари, лизинг берувчи ва лизинг олувчиларнинг ҳўқуқ ва мажбуриятлари, лизинг шартномасини тузиш, унинг амал қилиш муддати, томонларнинг шартномаларни бажариш борасидаги жавобгарликлари аниқ белгилаб қўйилган. Шу ўринда республикамизда 10 та тижорат банки ҳам лизинг операцияларини амалга ошираётганини айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, «Пахтабанк», «Ўзйўлжам-гармабанк», «Ипак йўли» банки, «Тадбиркорбанк», «Алоқабанк» томонидан ўтган давр мобайнида 154 та лизинг лойиҳасига 1,3 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бу банклар томонидан ўтказилаётган операцияларнинг эътиборга молик томони шундаки, улар асосан миллий валютада молиялаштирилиб, лизингга ички бозордан сотиб олинган асосий воситалар берилади. Иқтисодий тизимда лизинг муносабатларини янада ривожлантиришда Президентнинг 2002 йил 28 августдаги «Лизинг фаолиятини ривожлантириш янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори Фармони, айниқса, муҳим аҳамиятта эга бўлди. Мазкур Фармонга қўра, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳўжалик юретишчи субъектлар тегишли шартнома амал қиладиган муддатга лизингга берилган мулкка солиқ тўлашдан озод қилинди. Бундан ташқари, ушбу ҳўқуқ лизинг берувчиси солиққа тортиш чоғида у лизингга берилган мулк харид қилишга олган кредитларни фойзи ҳамда белгиланган бошқа туловларнинг суммаси унинг жами даромадидан чегириб ташлашини кўрсатиб ўтилган. Табиийки, бундай имкониятлар молиявий лизинг аҳамиятини янада ошириб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда, лизинг олувчи субъектларнинг қўшимча даромад олишига шароит яратиб беради.

Ботир АЛИМОВ, Асатилр УМАРОВ, иқтисод фанлари номзодлари.

Аксс садо

Яқинда Андижон ва Сурхондарё вилоятларида ташкилий сессия бўлиб, ҳокимлар алмашди. Мен, кўпчилик қатори, сессияда бўлган гапларни телевизор орқали кузатдим. Шундан сўнг «Халқ сўзи» газетасининг 8 июнь сонидида Эркин Ўзбекининг «Ҳоким, ҳолва, гурур ва андиша» номили мақоласи босилиб чиқди. Оиламизда ҳамма, жумладан, мен ҳам газеталарни мунтазам ўқиб борамиз. Президентимизнинг сессиядаги сўзларини эшитиб, газетадagi мақолани ўқиб, мен ҳам ўз фикримни ёзишга жазм қилдим.

Кўнгилдаги гаплар

Фикримни қоғозга тушираётимиз турмуш ўртоғим М. Исломов билан маслаҳатлашдим. Қўлимга қалам олишимдан мақсад шуки, турмуш ўртоғим 1992-1997 йилларда Фарғона вилоти ҳокими лавозиминда ишлаганлар. Тўғри, бу лавозимда ишлаш ўта масъулиятли. Бунинг учун ёзувчи айтганидек, ҳокимдан тортиб, унинг аёли, фарзандлари, қавму қариндошлари ўта зийрак бўлишлари керак. Чунки лавозим — имтиёз эмас, масъулият, ҳақ ва Президентнинг ишончи. Одамлар орасида ҳокимни, унинг оиласини, фарзандларини йўлдан уришга интилувчилар учрайди. Турли нарсаларни соғва қилувчилар, зийфатларга, хатто «Қизил денгизга» бепул саяҳатга тақдир этилувчилар ҳам топилди. Бундай кезларда унинг замрида нима борлигини сезмасангиз, банди оғиз издан чиқиб қолиши ҳеч гап эмас. Президентимизнинг сессиялардаги гапларини эшитиб, айрим раҳбарлар йўл қўйган хатоларини ўйлаб, шу юрт фарзанди бўлганим учун жуда ачиндим. Бу хатоларда ҳис, оналарнинг аёлларнинг ҳам айбимиз бор. Фарзандлар, қариндошлар орасидаги ноҳўя ишлар онанига, яъни ҳокимнинг рафикасига ёнқу. Бундай хатоларнинг олдини олиш унинг ҳам вазифаси эмасми? Оилада уч нафар фарзандимиз (бир ўғил, икки қиз) бор. Ҳаммаси олий маълумотли, уйи-жоили, фарзандли, уни набаринг бувисман. Турмуш ўртоғим салкам 40 йил турли лавозимларда ишлагандир. Бирорта шахсий ўй қурмадир. Мен ўқитувчиликда пенсияга чиққаним учун, Президентимизга мийн раҳмат, шу ўтирган уйимизни хусусийлаштириб беришди. Ҳовлимиз 4,5 сотих, ҳар йили қўлдан келганча таъмирлаб борамиз. Ҳеч нарсдан қамчилигимиз йўқ. Бир нарсга ҳеч эсимдан чиқмайди. Кичик қизим бир кун «Дада, дарвозани бошқа рангга бўяб қўйлик», деб қолди. Шунда у киши «Қизим, дарвозани қўшинларникидан ажраб қолса, қандай бўлади?» деб танбёҳ бергандилар. Бир кун тандирда нон ёпиб турсам, бир жиямин ўртоғи билан келиб қолдида афтимга қараб, «Баъзи бригадирларнинг ўйида хизматкори бор-у, сиз нон ёпиб ўтирибсиз-а?!» деди. Мен қолди, «Бунинг, гапти бор» дедим. Баъзан туппа-тузук одамлар ҳам озиямга «Ҳокимлар бундай яшашмайди, сизлар фақат ишни ўйлабсизлар», деб очқандан очик қинов ҳам қилишган. «Шунчалик ишлаганларинг билан биров миннатдор бўлармиди?» деб айтувчилар ҳам бўлган. Меннинг бишимча, тўғрилиқ ва ҳалоллик раҳбар учун фазилатгина бўлиб қомай, балки уни тухмавлардан, ҳар хил иғволардан ҳимоя қилувчи илохий қудрат ҳамдир. Мен бундай ҳулосага ҳаётимиз мобайнида ишонч ҳосил қилдим. Бизга Ҳаж сафарини ҳам насиб этди. Айтмоқчи бўлган гапим шуки, Президент ҳамма ҳокимни ҳам мактаб оша қўйиб, ёмонлаб ишдан олавермайди. Юртбошига ҳам қанчалик оғир эканлигини тушуном қозим. Бунинг учун раҳбардан тортиб, унинг барча ходимлари астойдил ҳаракат қилиши керак. Ҳар бир ишнинг охири баҳайр бўлсин.

Мусноҳ ИСЛОМОВА, меҳнат фахрийси, Фарғона шахри.

2004 йил —



Меҳр ва мурувват йили

Пойтахтимиздаги 23-«Меҳрибонлик уйи»нинг дарвозасидан ичкарига кирган ҳам эдимки, ўн ёшлардаги малласоч болакай пешвоз чиқиб:

баркамол инсон бўлиб етишилари учун барча шарт-шароит муҳайё. Болалар таътилга чиқсалар, «Алгоритм» заводи раҳбарияти дам олиш масканларига бе-

жонли, меҳр-шафқат бобида ўзига хос аъёнларга эга бўлса-да, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган дастур ижросини бажаришда ҳамюртларимизнинг янада фаоллашган куварли ҳол, албатта. Бу борада Жаҳон тиллари университети, Чилонзор тумани солиқ идораси, «Бешёғоч», маъсулияти чекланган жамияти, «Кўйлик» деҳқон бозори каби ташкилот ва корхоналарнинг «Меҳрибонлик уйи»га кўрсатилган беғараз ёрдамларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Яна қўллаб инсонларни айтим келаяпти-ю, афсуски, уларнинг исми-шарифла-

# Файзиёб умр дафтари

**Вақт югурик, йиллар бешафқат, чопагон. Ёшлиқда катта орзулар, мақсадлар сари шитоб билан интилсан киши. Сўнг бир давр келарканки, беихтиёр босиб ўтган йўлининг сарҳисоб қилиб қоларкансан. Энг муҳими, ўша пайт кўнгил қилган ишингдан қониқиб янада юксалади ёки афсус надоматга чўкади. Унда ёрқин хотиралар қанчалик кўп бўлса, босган изингга қараб эслаш шунчалик гаштли бўлади. Кўнгилга эзгулик уруғлари экилган бўлса, умр дафтари ҳам шунчалик безаниб бораверар экан...**

Шу маънода у ўз тақдирдан, ҳаёт йўлидан мамнун. Бу мамнулик асосида ҳалол меҳнат, инсонлар саломатлиги билан боғлиқ масъулият турибди. Дарҳақиқат, булар бари кечагина юз бергандек эди. Ваҳоланки, бундан қирқ йил муқаддам...

Муродин Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатган, институтнинг нормал физиология кафедрасида ишлаб бораётган. Кафедра мудири Абдор Содиқов Муродинга айрича меҳр билан қарар, тиришқок, мард, маслаҳатларга қўлқоқ солидиган йигит келажакда аjoyиб шифокор бўлиб етишишидан умидвор эди.

— Сиз ука, — деди бир куни сўхбатда, — аспирантурада тахсил олмайсизми? Амалийоти назарий билан мустаҳкам боғласангиз аjoyиб иш бўларди-да.

Муродин ҳар томонлама мулоҳаза қилиб қўриб, аспирантурада ўқишга қарор қилди. Нихоят, 1975 йилда диссертацияни муваффақиятли ёқлаб, тиббиёт фанлари номзоди бўлган ҳам, ўқиб ўргангандан тинмади.

— Умр ўтаверар экан, — дейди Муродин ака, — бу дунёда қилган эзгу ишинг қоларкан.

Муродин ака ўз ҳаёт фаолиятида доим шу сўзларга амал қилди. 1-шаҳар шифохонасида у кишининг савий-ҳаракати билан куйганларни доволочини марказ ишга тушди. Кардиология шошилинч ёрдам бўлими, фарзанд кўриш ёшидаги аёллар касаллигини даволаш (бу тиббий тилда экстрогенетал патология деб юритилади) бўлими ташкил этилди.

— Тошкентга келганимга 40 йил бўлибди, — дейди Муродин Холматович. — Шу ерда уйландим, уйи-жойли бўлдим. Фарзандларимдан кўнглим тинч, ўзига хос касб-хўнари бўлишган.

— Шунча иш билан банд бўлсангиз

ҳам маҳаллага оқсоқол экансиз? Вақт топасизми ишқилиб?

— Маҳалламизни шифокорлар маҳалласи деса ҳам бўлади. Қийини — ҳаётнинг аччиқ-чўчугини кўрган бу инсонларга ўрнида, жўяли гап айтиш керак. Осон томони, улар айтган ҳар бир гапингизни дарҳол тушунадди. Оқсоқол сифатида омадли эканман, ишларимиз яхши кетаяпти. Сақсон ёшга кирган Қобил отанинг ғайрати билан маҳалла боғи бунёд бўлди.

Муродин аканинг «омадли эканман» деганида жон бор. 10 йил давомида маҳаллага бошчилик қилар экан, учта ҳар томонлама тўқис тўйхона, шинаҳ гузар, тўртта спорт майдончаси қурилганини айтганда, битта маҳаллага шунча юмушни деган халғга бордик.

— Бу маҳалладошларнинг аҳиллигидан нишона. Хали ҳаммаси эмас. Ишонасизми, инглиз тили тўғрисида, — дейди Муродин Холматович жонлиб, — ўғлим Жўрабек билан обдон маслаҳатлашиб, футбол жамоаси ташкил этдик. Шаҳар биринчилигида маҳаллалар ичида 2-ўринни эгалладик. Яна ёш доирачилар тўғрисида ҳам бор. Маҳалламизда иккита болалар боғчаси бўлиб, ҳар иккиси ўзимизнинг ҳомийлигимизда. Мени қувонтиргани — ташаббус маҳалладошларнинг ўзидан чиқади. Биз фаоллар қўллаб-қувватлаймиз. Бундай эзгу гаплар ҳаммамизни қувонтиради.

Муродин ака каби инсонларга қарата: «Файзиёб умрингиз узун бўлсин», дегимиз келади. Зеро, гап уларнинг қанчалик номдорлигида эмас. Асосийси, шундайлар сабаб дунёнинг янада гўзал бўлишида, кишилар ўртасида меҳр-мурувватнинг, эзгуликнинг кўпайишида.

Темур УБАЙДУЛЛО,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

# «Келиб туринг, амаки»

— Ассалому алайкум! Амаки, сизга ким керак эди? — деб сўради. Унинг саломига алик олиб, директорга учрашим кераклигини айтдим.

У йўл-йўлакай яна: — Светлана Степановнага сизни ким деб таништирай? — дея савол берди. — Газетадан келишибди, дегин.

«Қайси газетадан экан?» — деб сўрасалар-чи... Очигини айтганда, унинг хушхўрлигига тан бердим. Ногоҳ халғимдан «Бу хушхўл боланинг ота-онаси ҳаётмикан?» — деган оғир бир ўй кечди...

Одатда ҳаётнинг аччиқ-чўчугини тотиб кўрган ёши улғу инсонлар билан сўхбатлашш мазмунли кечади. «Меҳрибонлик уйи» директори С. Килдишева билан бўлган мулоқотимиз ҳам таассуротларга бой бўлди.

— Ун йилдан бери шу даргоҳга раҳбарлик қиламан, — дея гап бошлади у. — Яширмайман, аввалига қийнадим. Чунки болаларнинг мунгли ва меҳрга ташна кўзларига боқиш, ўсик қалбларига йўл топа билиш, юздан зиёд ўғил-қизнинг бошида куну тун парвона бўлишининг ўзи бўлмасди. Аслида, бу ерда бир нарсани етишмайди, холос. Бу — болаларга нисбатан ўз ота-онасининг меҳри, ардоғи. Хайриятки, ана шу бўшлиқни жамиятимиздаги болалар парвар, саховатпеша инсонлар тўлдириб туриши кўнглимга таскин беради.

Кўнглимга тушган бўлса, кираверишдаги болалар майдончасини бежирим таъмирлаган, қўшимча биноларни қураётганлар ҳам олийҳиммат ҳамюртларимиз. Даргоҳимизда 14 миллатнинг 124 нафар вакили тарбияланмоқда. Уларнинг

пўл йўлланмалар тақдим қилишади. Шуниси муҳимки, ҳар бир бола мавсумда бундай ҳуқуққа камида икки марта сазовор бўлади.

Баъзан таажубланаман. Бир хил тоифадаги одамлар мабодо автобусда бировга жой берса, савоб иш қилдим деб, ҳафталаб гапирди. Лекин шундай хотамтой кишилар ҳам борки, бошидан сув ўйиб ичанган арзийди.

Болажонларимизнинг Миралим исмли меҳрибони бор. Ишонасизми-йўқми, фамилиясини ҳам, қаерда ишлаганини ҳам билмайман. Аммо саховатпешаликда бу инсон беназир. Тутинган ота сифатида еттига болани суннат тўйини қилиб берди. Ҳафта-ун кун деганда, Миралим тоғора-тоғора кадоб, ош кўтариб келади. Одатда «Хайвонот боғи» душанба кунини ишламайди. Лекин у пайтини тоғди дегунча, болаларни автобусларга ўтказиб, фақат улар учун томоша ташкил қилиб беради. Темур Мусин, Евгений Анохин сингари инсонлар ҳам болаларнинг иссиқ-савуғидан доимо бохабар. Айниқса, қиш кезларида грипп хасталиғи кучайган пайтда болалар учун зарур дори-дармон, иссиқ кийим-бош, боринки, топанларини шу ёққа ташишади. Барака топишсин, ишқилиб, уларнинг ҳаммаси!

— Мамлакатимизда жорий йил «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши айна мудоао бўлди, — дея сўзини давом эттирди С. Килдишева. — Гарчи халқимиз азал-азалдан бола-

рини билмайман-да. Сўрасангиз ҳам барибир камтарлик қилиб айтишмайди. Раҳмат деймиз-у, бирларингга минг берсин, дейишдан на-рига ўтолмаймиз.

Светлана Степановнадан мавжуд муаммолар хусусида сўраганимда, у бироз ўнғайсизлангандек бўлди, кейин секингина шундай деди:

— Биласизми, бу ерда болаларни ҳар томонлама етук инсон бўлиб етиш-лашга, улар йўқотган энг азиз неъматининг ўрнини тўлдиришга бор имкониятимизни сарф этишга ҳаракат қиламиз. Тажрибали, оқила тарбиячиларимиз болаларни ўз фарзандларидек ардоқлашади. Синф хоналари-мизда хатто, компьютерларимиз бор. Лекин унинг сирларини ўргатишга мутахассислар етишмайди. Тўғри, айрим юртдошларимиз «Марҳамат», олиб келинг, ўргатамиз», дейишмоқда. Лекин бу борада транспорт масаласи муаммо бўлмоқда. Ҳомийларга айтишга эса одам истиҳоло қилади. Ҳозирча бунинг ҳам чораси топилиб қолар, дея умид қилиб турибмиз.

«Меҳрибонлик уйи»дан қайтар эканман, дарвоза олдида боғчи бола:

— Амаки, ишингиз битдими? — деб сўради.

— Ҳа, битди, сенга ҳам раҳмат!

— Келиб туринг, — дея у хайрлашиш учун қўл узатди.

Сандолим ХАЙДАРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**«Ист-Баттерфляй»** КЎШМА КОРХОНАСИ

36 хил турдаги зангламайдиган пўлатдан Европа стандартларида, экологик тоза, бежирим

**ОШХОНА ИДИШ-АНЖОМЛАРИНИ** ишлаб чиқаради ва сотади.

Маҳсулот сертификатланган.

Хусусий тадбиркорларни ҳамкорликка таклиф қиламиз. Корхона ишчиларни қабул қилади, касбга ўргатади.

Манзил: Тошкент ш. Э. Марамов к., 17-й. Телефон: 67-82-13 («Салор» базаси яқинида).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

асосан «FG Wilson» (Буюк Британия) ёки «AKSA» (Туркия) фирмаларида ишлаб чиқарилган, қуввати 70-75 кВага тенг бўлган дизель-генераторлар;

қуввати 6 кВа, 10 кВа, 40 кВага тенг бўлган электр билан узлуксиз таъминлаш манбаи (UPS) («VICTRON» фирмасида ишлаб чиқарилгани мақбул) етказиб бериш бўйича **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Таклифлар 2004 йил 10 июлга қадар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун Эркин Ғуломович Хўжаевга ва Пётр Кузьмин Чилигага мурожаат қилинсин. Мулоқот учун телефонлар: 133-15-86, 42-94-36. Факс: 144-79-07. www.nbu.com

**«LOK KOLOR SINTEZ» КК** ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ

Рутил қопламали, пресслаш йўли билан хорижий хомашёдан тайёрланган «ЛКС-1» (MP-3 га ўхшаш) русумли Э46 туридаги электродларни сотади.

Электродлар машинасозликда, кемасозликда, sanoat қурилишида, нефть-газ магистраллари ва қувурлар ётқизишда ҳамда резервуарлар ишлаб чиқаришда кенг қўламда ишлатилади.

Қўлланиладиган ток тури — ўзгарувчан ёки ўзгармас тоқлар. Ёй осонлик билан ҳосил бўлади ва яхши ёнади. Пайванд чоки силлиқ бўлиб, ҳар қандай ҳолатда сифатли шаклланади.

Электродлар ишлатилишда қулай бўлиб, бошқаларига нисбатан пайвандчи нафас йўлларига кам зарар етказиши.

Товар сертификатланган. Тўлов — пўл ўтказиш йўли билан.

Манзил: Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 13/22. Телефонлар: (998 71) 191-47-41, 191-80-94. Факс: (998 71) 191-74-63. E-mail: lokcolor@rol.uz

**D-AMPS GSM UZDUNROBITA** first cellular

**БУТУН ДУНЁ БИЛАН АЛОҚАДА БЎЛИНГ** ХАЛҚАРО ҚЎНҒИРОҚЛАР УЧУН UZDUNROBITA INTERNATIONAL

«Уздунробита GSM» тармоғининг Қашқадарё вилоятида навбатдаги кенгайиши: Янги-Нишон ва Шўртан шаҳарларида (Шўртан газ-нийм комплексини).

«Уздунробита» компаниясининг GSM тармоғига уланган абонентлари учун янги «EURO - 2004» хизмати - Португалиядаги футбол бўйича чемпионат ҳақида маълумотлар тақдим этилмоқда. «EURO - 2004» хизмати маълумотларини 3 усул билан олиш мумкин.

1. WAP - хизмати орқали. «Уздунробита» компаниясининг www.uzdunrobita.uz - wap сайтида «EURO - 2004» менюси бор. WAP режимида эфир вақтининг 1 дақиқаси - \$0.10
2. SMS орқали. Фойдаланиш қўлланмасини олиш учун 2004 йисга рақамга \*0\* рақамини юбориш керак. 2004 рақами орқали олинган 1 SMS хабар учун - \$0.03
3. «ПЛЮС» SIM картончалари эгалари янги менюни активлаштириши керак, кайин «ИНФОРМАЦИЯ» менюсида «EURO - 2004» менюси пайдо бўлади. «ПЛЮС» SIM картончалари орқали олинган 1 хабар учун - \$0.03

Ўзбекистонда ахборотлар янги wap сайти - WAP.UZREPORT.COM ишламоқда. «Уздунробита GSM» абонентлари ўшбу сайтдан WAP режимида фойдаланишлари мумкин.

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Хизматлар лицензияштирилган

Қишлоқ кўчасида «Волга» машинаси пайдо бўлди. Марказда тўхтамай, тоғ йўлига бурилган машина ордин кўчада чағ тўзатиб, тўп ўйнаб юрган бир гала болалар югуриши. Қишлоққа ҳамма вақт ҳам бундай «чиройли» машина келавермас эди-да...

борича ҳаққоний тасвир этишга уринди. Рассом Мурот Умаровнинг Бадиий академиянинг Марказий кўрғазма залида «Меҳр ва муруват йили»га бағишланган

Хабарлар оқимидан

«Кўмак-мағас» тажрибаси

«Марказий Осиёда маҳаллий бошқаруни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Урбан институти АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги ва Наманган шаҳар ҳокимлиги ўртасида тузилган битим уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тақомиллаштиришда кўл келмоқда. Жумладан, шу йўналишда ташкил этилган республика танловида ғолиб чиққан 7 та ширкат институт грантини олишга муваффақ бўлди.

Шу боис ҳам Наманганда маъзур соҳа ривожига бағишланган республика оқимидан бўлиб ўтди. Улар ширкат ишлари билан бир қаторда, вилоят коммунал фойдаланиш ҳудудий бирлашмаси қошидаги «Кўмак-мағас» уй-жой ширкатлари ассоциацияси фаолияти билан ҳам яқиндан танишди-лар.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёшлар ишлари қўмитаси ёшлар билан

Самарқанддаги ёшлар марказида Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари қўмитаси вакиллари билан талаба ёшларнинг учрашуви ўтказилди.

Унда жамиятимизнинг олдинги сафарларида бораётган ёшларимиз, уларнинг сиёсий-ижтимоий фаолиятидаги иштироки, икки палаталик парламентга бўлажак сайловларда ёшлар иштирокини кўчатириш ҳақида сўз борди.

Ўз мухбиримиз.

Китобдан яхши дўст бўлмас

Болалар учун китобдан кўра яхшироқ совға бўлмас керак. Шу боис ҳам Зағнага туманига қарашли «Наврўз» ширкат ҳужжатига кам таъминланган ва ногирон болаларга китоблар совға қилинди. Туман хотин-қизлар кўмитаси ва марказлашган кутубхонаси ташкил этган ушбу тадбир сўнггида зангионатлик тадбиркор Қ. Холматова болаларга кийим-кечаклар улашди.

Шерод МИРЗОҚУЛОВ.

Ишлаб чиқариш заруряти туфайли Давлат алоқа инспекциясини сплит-кондиционер тизими билан жиҳозлаш бўйича танлов эълон қилинади. Сплит-кондиционер тизими ўрнатиладиган хона параметрлари: О узунлиги — 81,9 м.; О эни — 14 м.; О баландлиги — 7,5 м.; О умумий ҳажми — 3287 м./куб.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН «ХАЛҚ БАНКИ» Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан самимий муборакбод этиб, матбуот ва ахборот асрининг барча жонқуярларига тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, оилавий бахт ва ижодий ишларида муваффақиятлар тилайди ҳамда янги «СОВФА» қисқа муддатли, пул-буюм ютуқли омонат турини таклиф этади.

АЛМАТИДАГИ ҒАЛАБАЛАР Қозғистоннинг Алмати шаҳрида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида мамлакатимиз курашчилари ҳам муносиб иштирок этишди. Китъанинг деярли барча давлатларидан вакиллар иштирок этган ушбу чемпионатдан ҳамюртларимиз медаллар шодаси билан қайтишди. 55 кг. вазнда гиламга чиққан эркин курашчимиз Фарход Ураимбетов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шохсуланиб турндан жой олди.

О'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi Toshkent davlat aviatsiya instituti qoshidagi maxsus «AVIA LITSEY» 2004-2005 o'quv yili uchun 10-sinfga fizika-matematika va iqtisodiyot yo'nalishi bo'yicha qabul e'lon qiladi.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Тулқин Миромисловнинг МИРКОМИЛОВНИНГ вафот этганининг чуқур қайғу билан маълум қилади ва унинг қариндошлари ҳамда яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Тулқин Миромисловнинг МИРКОМИЛОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Мўйқалам сеҳри тоғу тошларни-да тилга киритгай

Тоғ ёнбағрида машина тўхтади ва ундан қийқ кўзлари кулиб турган, нурили бири киши тушди. Машина юқонидан аллақандай ёғоч оёқлар, қоғоз, бўёқлар ола бошлади. Хар нарсага қизиқувчан содда қишлоқ болалари у одамни саволга ўраб ташлашди. У одам ҳам эринмай жавоб берар, ўзи ҳам болалардан у-бу ҳақида сўради.

«Ватанимда тоғу тошлар ҳам тилга киргай» номли шахсий кўрғазмаси ташкил этилди. Кўрғазмада намойиш этилган барча бадиий ишлар мамлакатимизнинг кўркем манзарасини ҳамда одамлар ҳаёт тарзини яққол акс эттириб туради.

Намойиш этилган ҳар хил шаклдаги тошлар рассомнинг нақадар синчков эканлигини акс эттирса, бошқа асарларда меҳр-муруват, садоқат хиссини туйди, киши.

Зал марказида чуқур маънога эга бўлган композицион инсталляция — қамиш бўйра, устидан мунис онасининг табаррук кўллари изи тушган кели ва унда бошоқ туйилган, бир чеккада экилган бошоқ қўқариб турибди.

Буни томоша қилган ҳар бир киши қалбида рассомнинг оғир болалик йиллари, фарзандларини боқиб учун қўйиб-пишиб меҳнат қилиб, келида бошоқ янчиб, уни пишириб, ўзи емай, боласига тутатган муштилари онага ҳам ачиниши, ҳам меҳр-оқибат хисларининг пайдо бўлиши, шубҳасиз.

Рассом қайси жанрда ижод қилгани — у анъанавий рангтасвирми, график асарми, акварелми ёки композицион инсталляциями — ҳар қайсида ўз олдига қўйган мақсадига эришди олган. Рангтасвир услубининг ўзига хослиги ва рассомнинг ҳар бир асари, авваламбор, замонавий ўзбек санъати даражасини белгилаб турибди.

Рассом қайси жанрда ижод қилгани — у анъанавий рангтасвирми, график асарми, акварелми ёки композицион инсталляциями — ҳар қайсида ўз олдига қўйган мақсадига эришди олган. Рангтасвир услубининг ўзига хослиги ва рассомнинг ҳар бир асари, авваламбор, замонавий ўзбек санъати даражасини белгилаб турибди.

М. ФАЙЗ.

Кўрғазма



Биргина Мурот гўё сеҳрлангандек тек туриб қолди, қизиқувчанлик билан рассомни кузатди, узоқ турди, ҳеч нари кетгани келмасди. Буни сезган рассом унга кўл дастгоҳи билан қоғоз, қалам тутқади-ю, «Хов анови қоя устидаги дарахтни кўряпсанми, шунга менга чизиб берчи», деб қолди. Буни кутмаган Мурот кўзларини катта-катта очиб, нима қиларини билмай қолди. Яна шу рассом мадад берди: «Ол-олавер, қўлингдан келганча чи», деди.

Мурот олисдаги дарахта бир тек туриб, бир ўтириб, у ёнидан, бу ёнидан қараб олди-да, дангал чиза бошлади. Унинг чизган суратини кўрган рассом, синчковлик билан қараб, «аввал ҳам чизганмисан», деб қолди. «Ҳа, расм дарсларида», деб жавоб берди Мурот. Рассом унинг расмини шарҳлар экан, баъзи камчиликларини айтиб, йўл-йўриқ кўрсатди. «Хар куни табиятта чик-

ESENYA Фирмаси БОЛАЛАРГА МЕХР БИЛАН NOGIRON BOLALAR UCHUN UYIN MAJMUALARI Барчага маълумки, ҳаётда содир бўладиган айрим фалокатли ҳодисалар сабабли ногирон бўлиб қолган болалар ҳаракатли ўйинларда иштирок этиш қувончидан маҳрум бўладилар. Бу ҳолатлар уларнинг характерлари товланишига, дунёқарашлари шаклланишига, атроф-муҳитга бўлган муносабатларига ўз таъсирини кўрсатади.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Тулқин Миромисловнинг МИРКОМИЛОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.